



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 26 декабрь, № 273 (9168)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАШИНГТОН ВА ТОШКЕНТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ЮКСАК ДАРАЖАДА

Америка ва Канада ОАВлари ҳамда экспертлари Ўзбекистон ва АҚШ Президентларининг 23 декабрь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқоти ҳақида



Эътироф

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 23 декабрь куни АҚШ Президенти Дональд Трамп билан ўтказган телефон орқали мулоқоти Америка ва Канада омвий ахборот воситалари, АҚШ эксперт-таҳлил доиралари вакилларининг эътиборини тортиди.

Хусусан, етакчи электрон ва босма нашрлар, "The Washington Post", "Investing.com", "Bloomberg", "Reuters", "NewsMax", "The National Desk", "The Times of Central Asia" ахборот агентликларини, Канаданан "The Canadian Press" ва "CityNews" нашрлари Президент Дональд Трамп Қозоғистон ва Ўзбекистон етакчиларига келгуси йилда АҚШ шафелигида бўлиб ўтайдиган "Катта йи-

гирматалик" (G20) саммитига таклифнома юборишини маълум қилгани ҳақида ёзган.

Хабарда таъкидланишича, Ўзбекистон ва Қозоғистон "Катта йиғирматалик"ка аъзо эмас, бироқ "АҚШ бу республикаларни таклиф этишга қарор қилган, чунки "Ҳар икки давлат билан муносабатлар ажойиб" (Дональд Трампнинг ижтимоий тармоқдаги расмий баёнотида хавола).

"Дональд Трамп маъмурияти юқори технологияли қурилмалар, жумладан, смартфонлар, электромобиллар ва қирувчи самолётлар учун зарур бўлган но-дик металлари қидиришни фаоллаштириб, улкан фойдали қазилмалар захираларига эга бўлган ва дунё урнининг тахминан ярмини ишлаб чиқарадиган Марказий Осиёга кўпроқ эътибор қаратмоқда", деб ёзишди "The Washington Post"да.

"Bloomberg" ахборот агентлиги мухбирининг ёзишича, бундай қарор Вашингтоннинг ўсиб бораётган стратегик манфаатлари ва узоқ мuddатли алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилиши билан боғлиқ.

Американин "Investing.com" иқтисодий нашри, "Reuters" ва "NewsMax" ахборот агентликларининг хабарларида Дональд Трампнинг Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари билан телефон орқали мулоқотлари давом этаётган мижозларда тинчлик ўрнатиш ҳамда АҚШ ва Марказий Осиёнинг икки йirik давлати ўртасидаги савдо ва ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган.

"The National Desk" нашри хабарига Қўшма Штатлар келаси йили "G20" саммитига мезбонлик қилиши очиқланди ва

Дональд Трампнинг сўзларидан иқтибос келтирилди: "Биз иккала етакчига Майамида бўлиб ўтайдиган ушбу жуда муҳим тадбирда мехмон сифатида бизга қўшилиш учун таклифнома юборамиз!".

"The Times of Central Asia" нашрида икки томонлама алоқалар фаоллашгани ва авиация, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, энергетика ва технологиялар каби соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани, ушбу ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмлари, жумладан, Америка — Ўзбекистон ишбилармонлар ва инвестиция кенгаши ҳамда режа-лаштирилаётган қўшма Инвестиция жамғармаси ташкил қилингани қайд этилган.



ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАҒСИЛОТЛАР

НУҒУЗЛИ ФОРУМ ИЛК БОР ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИ

Инвесторлар ва тадбиркорлар учун мўлжалланган нуғузли венчур тадбир — "Central Eurasian Venture Forum — 2026" (CEVF) 2026 йил 3 апрель куни илк бор Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

"MOST" инвестиция холдинги томонидан ташкил этилаётган юбилей — бешинчи "Central Eurasian Venture Forum" доирасида Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан инвесторлар, венчур фондлар, корпорациялар, технологик тадбиркорлар ҳамда ривожланиш институтларини Тошкентда жамлайди.

"CEVF" янги глобал шароитларда инвестициялар, венчур ва сунъий интеллектга асосланган компанияларни ривожлантириш ёндашларидаги ўзгаришларга бағишланади.

Форум IT Park Uzbekistan билан ҳамкорликда ташкил этилиб, хорижий капитални жалб қилиш, янги фондлар ва ҳамкорликларни йўлга қўйиш учун муҳим платформа бўлиши кутилмоқда.

КОНДАГИ ГЕОЛОГИК НАТИЖА

Устюртдаги "Мўйноқ" қонида муҳим геологик натижага эришилди. "Ўзбекнефтьгаз" акциядорлик жамияти ахборот хизмати хабарига кўра, кеча — 25 декабрь куни учинчи излов қудуғидан саноат микёсидаги табиий газ оқими олинган.

Қудуқда бургилаш ишлари жорий йилнинг 8 сентябрь куни "Ўзнефтьгаз бургилаш ишлари" томонидан бошланган бўлиб, куйи юра қатламлари — 4 940 метр чуқурликка бургиланган. Энди уч сутка давомида қудуқ махсусдор қатламнинг табиий хусусиятлари ўрганилади. Ушбу тадқиқотлар натижасида қудуқнинг суткалик дебити, қатлам босими ва бошқа муҳим параметрлари аниқланади.

Айни пайтда Мўйноқ майдонида яна иккита қудуқда бургилаш ва синаш ишлари жадал давом этаётир. Тез кунларда ушбу қудуқлардан ҳам натижалар олиниши кутилмоқда.

ЙИРИК ТУРАРЖОЙ МАЖМУАСИ

Қарши шаҳрининг Кат маҳалласи ҳудудида 2023 йилдан буён 12 та кўп қаватли уйни ўз ичига олган, кичик шаҳарча кўринишига эга бўлган мажмуа қурилаётган эди. Кунни кеча лойиҳа доирасидаги объектларнинг бир қисми фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда сўзга чиққанлар томонидан 4,3 гектар майдонни эгаллаган йирик уй-жой массивида инсон эҳтиёжи учун зарур барча шароит яратилгани таъкидлаб ўтилди.

Дарҳақиқат, бу ерда иш бошлаган замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, кўнгилочар масканлар, болалар ўйингоҳлари нафақат массив, балки шаҳар аҳолиси учун катта қўлайлик яратди. Энг муҳими, мажмуа қўш панеллари орқали электр энергияси билан таъминланмоқда.

«Халқ сўзи».



Сенат қўмиталарида

ВОҲА ЁШЛАРИНИНГ БАНДЛИГИ ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги вакиллари ҳамда экспертлар томонидан Сурхондарё вилоятида ёшлар, хусусан, таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, жорий йил бошида вилоятдаги 723 та маҳаллада ўтказилган ҳатловда 7,8 минг ишсиз ёш аниқланган. Уларни ишли қилиш мақсадида вилоят, шаҳар ва туманлардан 357 нафар раҳбар ходим бириктирилган ҳамда ёшлар бандлик дастурлари ишлаб чиқилган. Дастур ижросини таъминлаш учун ишсиз йигит-қизлардан 7 786 нафарининг турли йўналишларда бандлиги таъминланган.

2024/2025 ўқув йилида вилоят бўйича олий таълим муассасаларини битирган 17 305 талабадан 16 183 нафари, касбий таълим ташкилотларида ўқиган 9 312 ўқувчидан 5 799 нафари ишга жойлаштирилган.

Вилоятда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар захирадаги 1 995 та иш ўрнидан 872 тасини банд этди.

"Ўзмилийбанк" АЖ томонидан "Келажакка қадам" дастури доирасида 372 нафар олий таълим муассасаси битирувчисига 9,9 млрд. сўм, "Ёшлар бизнеси"

дастури доирасида 729 нафар тадбиркорлик субъектига 82,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Муҳокама жараёнида ёшлар бандлиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, мазкур йўналишда жиддий муаммолар ҳам кўзга ташланди.

Хусусан, ҳисобга олиш ва бандлик кўрсаткичларини аниқ юритишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Мисол учун, олий таълим муассасаларининг 31 нафар битирувчиси бир вақтинчда яқка тартибдаги тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатида, шунингдек, Ягона миллий меҳнат тизими базасида қайд этилган.

2024/2025 ўқув йилида вилоятда 52 та касбий таълим ташкилотини (техникум, коллеж) 9 312 нафар талаба битирган бўлиб, улардан 38 фоизининг, меҳнат миграциясидан қайтган 36 417 нафар ёшдан 21 270 нафари (58 фоизи)нинг бандлиги таъминланмаган.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд судьялари, Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги вакиллари, Одил судлов академияси профессор-ўқитувчи ва тингловчилари, шунингдек, Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, Адвокатлар палатаси ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбир Президентимизнинг шу йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Давра суҳбатини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов кириш сўзи билан очди.

Таъкидланганидек, фармон билан Конституциявий суд фаолиятини янада

такомиллаштириш, унинг ишига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш, ички тузилиши қайта қўриб чиқилиб, конституциявий назорат самарадорлигини юқори поғонага олиб чиқишнинг янги ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Ушбу ҳужжат мамлакатимизда Конституциявий суднинг мустақиллиги ва конституциявий қонунийликни таъминлашга таъсирини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш кафолатларини кучайтириш, суд жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Бу ҳужжат юртимизда конституциявий қонунийликни таъминлаш ва жамиятда адолат принципларини қарор топтириш йўлидаги навбатдаги катта қадам бўлди.



Сенаторлар — ҳудудларда

ЯШИЛЛИККА ЯШИЛ ЙЎЛ

Авал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Анвар Тўйчиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Қашқадарё вилоятида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, дарактлар экиш ва парвариш, яшил боғлар, яшил жамоат парклари барпо этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганмоқда.

Хусусан, ишчи гуруҳ Ғузор туманидаги "Шўртан газ-кимё мажмуаси" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган ишлар билан ақиндан танишди.

Мазкур жамият таъсисчилигида Шўртан кўрғони ҳудудида "Шўртан яшил макон" МЧЖ ташкил этилиб, 131 гектар майдонда 53 минг туп сувсизликка чидамли, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилган ҳамда агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб келинмоқда.

Экилган кўчатлар суғорилиши ва парвариш ишлари алоҳида назоратга олиниб, ушбу майдонда 4 та насос станцияси қурилган.

Шунингдек, кўчатларни суғориш учун замонавий томчилатиб суғориш тизими жорий этилган.

Ишчи гуруҳ кўчатларни агротехник талабларга мос равишда экиш, уларни парвариш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш тадбирларини тўғри ташкил қилиш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Бундан ташқари, ўрганишларда йирик саноат корхоналари ва уларга туташ ҳудудларда ҳамда чиқинди полигонлари атрофларида "яшил белбоғлар" яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу бўйича масъулларга тавсиялар берилмоқда.

«Халқ сўзи».



Бу йил юртимизнинг бош арчаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси олдидаги майдонда ўрнатилди. 33 мингдан зиёд ўйинчоқлар ҳамда минглаб нур сочган чироқлар жило берган арча атрофида ёрқин шоу-дастурлар, турли

кўнгилочар томошалар, таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг концерт дастурлари намойиш этилмоқда.

Янги йил эшик қоқаркан, унинг шуқуҳи, сирли-сеҳрли лаҳзаларию эртакмонанд саргузаштлари болажонлар қалбини аллақачон

МЕҲР ЗИЁСИДАН ДИЛЛАР ЧАРОҒОН

Айни кунларда бутун халқимиз Янги йил байрами шуқуҳи, таровати билан яшамокда, десак, айни ҳақиқат. Жумладан, 25 декабрдан пойтахтимиздаги қатор маданият ва истироҳат боғларида, хиёбонларда, белгиланган жамоат жойларида Янги йил байрам тадбирлари бошланди.

Шуқуҳ

завқ-шавққа тўлдирмоқда. "Президент арчаси" тадбирлари ушбу байрамнинг энг ҳайратланарли, ҳаяжонларга, қувончу шодликларга тўла айёми. Шу боис юртимизнинг барча ҳудудида мазкур тадбирни ўғил-қизлар интиқ-интизор кутади. Катта тантана, кўтаринки кайфият билан нишонлайди.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида ўтказилган "Президент арчаси" тантаналари ҳам ана шундай баланд руҳи, беқиёс шуқуҳи билан болажонлар қалбига бир умрлик илиқ хотиралар улашди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу тантанали тадбирга Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, оилавий болалар уйлари, сирли-сеҳрли лаҳзаларию эртакмонанд саргузаштлари болажонлар қалбини аллақачон



...Сарой фойееси байрамона шуқуҳга тўлган. Турфа ўйинчоқлар, ранг-баранг чироқлар, зарлар билан безатилган улкан арча камаладек товланиб, кичкинтойларни атрофига чорлайди. Болалар турли эртак ҳахрамонлари, Қорбобою Қорқиз билан маза қилиб ўйнайди, қўшиқ ва

шеърлар айтиб, рақса тушади... Айтиш керакки, кўнгилларни зиёга тўлдирувчи ушбу манзара мамлакатимизда ёш авлод эртакмининг умиди, Янги Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлиги сифатида эътибор ва меҳр оғушида эканининг яна бир амалии ифодасидир.



Акселт МУҲАММАДОВ олгон суратлар.

ВАШИНГТОН ВА ТОШКЕНТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ЮКСАК ДАРАЖАДА



Канаданинг "The Canadian Press" марказий наشري ва "CityNews" ахборот агентлиги вакиллари таъкидлашчи, "Бу стратегик қадам маъмурият Дональд Трампнинг биринчи муддати ташқи сиёсатининг асосий ютуғи бўлган ташаббусни қайта тиклашга уринаётган бир пайтда амалга оширилди. Хусусан, унинг жамоаси Исроил ва Бирлашган Араб Амириклари, Бах-райн ва Марокаш ўртасида дипломатик ҳамда савдо алоқаларини йўлга қўйган. Бу сафар "стратегик эътибор Марказий Осиё минтақасига, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистонга қаратилди, чунки АҚШ муҳим минералларни етказиб беришнинг барқарор занжир-

ларига жиддий эътибор қаратган". Ушбу ташаббуснинг етакчи оммавий ахборот воситаларида ёритилиши унинг кенг сиёсий ва стратегик контекстини тушунишга уринишлар билан бирга кечди. Шу нуқтаи назардан, америкалик тах-лилчилар ва экспертларнинг баҳо-лари алоҳида қизиқиш уйғотмоқ-да. Улар Ўзбекистон ва Қозоғис-тоннинг "G20" саммитидаги иштирок этишини бир марталик диплома-тик ишора деб эмас, балки мин-тақавий ва жаҳон сиёсатидаги чи-қур ўзгаришларнинг инъикоси си-фатида кўришмоқда.

Жумладан, республикачи сен-атор Сив Дейнс "X" платформаси-да куйидагиларни эълон қилди:

"АҚШ, Қозоғистон, Ўзбекистон

ва бугун Марказий Осиё ўртаси-даги яқин муносабатларни мустақ-камлаш нафақат мақсадга муво-фиқ, балки барча манфаатдор то-монлар учун стратегик заруратдир.

Мен Президент Дональд Трамп ва унинг маъмуриятини ушбу во-қеликни тан олгани ва Америка-нинг Марказий Осиё билан муно-сабатларига устувор аҳамият бер-гани учун олқишлайман".

АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили, АҚШнинг Ҳиндистондаги элчиси Сержио Гор ("X" платфор-маси) шундай ёздади: "Бугун Президент Д. Трамп телефон ор-қали мулоқот қилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бил-лан, Д. Трамп тинчлик ва фаровон-лик тарафдори бўлган Президент экани таъкидланди. Мен бунга тўлиқ қўшиламан! АҚШ Президенти раҳбарлигида сон-саноксиз жожа-ролар тўхтади ва дунё яшилди!".

"Atlantic Council" таҳлилий мар-кази ҳузуридаги Евроосий марка-зи катта директори, АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Жон Хёрбст Самарқандда "C5+1" фор-матининг яратилиши АҚШнинг Марказий Осиё билан муносабат-ларини ривожлантиришда муҳим сигнал бўлганини таъкидлади.

— Президент Дональд Трамп ва минтақа мамлакатлари етакчилари ушбу форматни сифат жиҳатдан

яниг босқичга олиб чиқди, — дей-ди эксперт. — Ноябрь саммити АҚШнинг Ўзбекистон, Қозоғистон ва минтақанинг бошқа мамлакат-лари билан янада яқин муносабат-лари кун тартибини шаклланти-ришда муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда Вашингтон ва Тошкент ўртасидаги ҳамкорлик мисли кўрилмаган юксак даража-да. Бу биринчидан, "C5+1" фор-мати доирасидаги ўзаро ҳамкор-ликни чуқурлаштириш билан бо-лиқ. Иккинчидан, Ўзбекистонни "G20" ишига жалб қилиш. Ўзбе-кистон раҳбарияти ҳар доим Вашингтон билан янада яқин ва конструктив муносабатларга инти-либ келган ва унинг сая-ҳаракат-лари тўғрисида бу жараён фаол амалга оширилмоқда.

— Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари Президентлари ўртасидаги навбатдаги телефон мулоқоти ҳақидаги хабарни пала-тамиз аъзолари жуда мамнун қабул қилди, — дейди Америка — Ўзбе-кистон савдо палатаси ижрочи ди-ректори Елена Сон. — Олий дара-жадаги бу мулоқот тўғрисида тўғри ишончи ҳамкорликнинг намунаси-дир. Алоқаларнинг бундай шакли икки томонлама муносабатлар учун барқарор ва олдидан айтиш мум-кин бўлган асосни шакллантиради ва ҳам Америка, ҳам Ўзбекистон бизнесига сезиларли амалий фой-

да келтирадиган қулай шарт-ша-роитларни яратди.

Айниқса, "G20" саммитида иш-тирок этиш тақлифи муҳим сиёсий-иқтисодий сигнал бўлиб, Тошкентнинг халқаро субъектлиги-ни оширади ва инвесторларнинг олиб борилаётган ислохотларга ишончини мустаҳкамлайди.

"Project C.U.R.E." хайрия жам-ғармаси директори Аюб Аюби бу ҳақда шундай фикр билдирди:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё-ни халқаро аҳамиятга молик янги босқичга олиб чиқиш учун минтақа анчадан бунён муҳтож бўлган етак-чидир. Ўзбекистон Президентининг АҚШ етакчиси, дунёнинг бошқа раҳбарлари билан йўлга қўйган му-носабатлари диққатга сазовор ва бугун Марказий Осиё минтақаси учун стратегик аҳамиятга эга.

Ўзбекистон раҳбарияти масъ-улиятли ва узоқни кўра биладиган етакчилигини намойён этиб, янги минтақавий кун тартибини шакл-лантиришда муҳим роль ўйнамоқ-да. Бу, айниқса, дипломатия бар-қарор ривожланиш ва ҳафсизлик-ни таъминлашнинг асосий восита-ларидан бирига айлиб бораёт-ган ҳозирги дунё шариқтида ҳақиқатан ҳам муҳим ва зарур стратегиядир.

«Дунё» АА.

МЕҲР ЗИЁСИДАН ДИЛЛАР ЧАРОҒОН

Кейинги йилларда таълим-тарбия соҳаси туб-дан ислох қилинмоқда. Навқирон авлодга ғамхўр-лик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун барча шарт-ша-роитларни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, ноғиронлиги бўлган, ота-она қарамоғисиз қолган, имконияти чекланган болажонлари ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича бутунлай янги тизим яратилди.

"Президент арчаси" байрам тадбирларида бундай ғамхўрлик ва эътибор чуқур мазмун-моҳияти билан яна бир бор намойён бўлмоқда.

Ушбу айёмни кўтаринки руҳда ва юқори савияда ўтказиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томо-нидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкор-лик тизимли ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, болалар учун байрамона муҳит яратиш, уларни сифатли соғвонлар билан қувонтириш ҳамда ҳар бир бола-нинг эътибордан четда қолмаслигини таъминлашга алоҳи-да аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, Меҳрибонлик ва Муруват уйлари тарбияла-нувчилари, "SOS — болалар маҳаллалари", оилавий бола-лар уйларида тарбияланаётган ўғил-қизлар, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида халок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фарзандлари учун махсус Президент соғвонлари тайёрланди.

Жами 11125 дона ана шундай соғва шакллантирилиб, улар таркибига болаларнинг таълим олиши ва бўш вақти-ни мазмунли ўтказишга хизмат қилувчи 24 номдаги ўқув қуроллари, шу билан бирга, 34 номдаги ширинлик махсу-лотлари киритилди.

Айни пайтда Президент соғвонлари мамлакатимиз ҳудуд-лари бўйлаб белгиланган манзилларга етказилмоқда. Ушбу тўғрисида кичкинтойлар қалбида Янги йил шодийнасини янада ошириши, уларнинг эртанги кунга ишончи ва орзуларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши мукаррар.

Тадбирда театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Ушбу мусикали дастур болаларда эзуқликнинг умрбоқий-лигига ишонч, ҳар қандай вазиятда сабр-бардошли бўлиш, юксак мақсадлар сари матонат билан интилиш туйғуларини янада мустаҳкамлади.

Бир-биридан қизқарли интерфаол ўйинлар, эртак қаҳра-монлари ва цирк артистларнинг чиқишлари, санъаткор-ларнинг куй-қўшиқлари болажонларга чинакам қувонч ба-ғишлади.

— Бу йилги шодийна ҳар йилгидан-да қизқарли бўлди, — дейди А. Хлебужкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи ди-ректори Диффуза Жўраева. — Айниқса, байрам дастуридан ўрин олган дўстликнинг қадр-қиммати, билим ва маънави-ятнинг беқисс аҳамияти ҳамда яхшиликнинг ҳаммиса ёмон-лик устидан ғалаба қозониши тараннум этилган ранг-бар-ранг чиқишлар болажонлари эзуқликка чорлади. Ҳамжи-ҳатлик, меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат, ҳалоллик сингари фазилатларнинг ўзгача намойишидан бир олам таассурот олдик. Асосийси, жажжилар ушбу байрам мисолида Ватанимиз, давлатимиз ва халқимизнинг меҳри-ни ана бир бор ҳис этди.

Дилларни чароғон қилган "Президент арчаси" тадбир-лари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўткази-лмоқда.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИГАН МУҲИМ ВОҚЕА

Бугун халқаро вазият тез ўзгараётган, геосиёсий хавф-хатарлар ортиб бораётган бир даврда Ўзбекистоннинг дунё етакчи давлатлари билан ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатлар ўрнатиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб бораётгани алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, АҚШ каби глобал сиёсат ва иқтисодиётда катта ўрин тутадиган давлат билан стратегик шерикликни мустаҳкамлаш бу фақат ташқи алоқалар эмас, балки мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти ва ҳафсизлиги учун муҳим омилдир.

Фикр

Шу маънода, 23 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтгани ва унда олий даражада эришилган келишувлар иж-роси муҳокама қилингани эътиборга молик. Чунки ҳар қандай халқаро муносабатнинг са-

мараси унинг амалий натижалари билан ўлчанади. Бу борада Ўзбекистон — АҚШ ҳам-корлиги аниқ лойиҳалар, инвестициялар ва технологиялар алмашинуви орқали ҳаётга таътиб этилмоқда.

Айниқса, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорлик механизмларининг йўлга қўйилгани тарихий янгилик, десак, муболага эмас. Вилоятла-римиз делегацияларининг Америка Қўшма Штатлари билан тўғридан-тўғри алоқалар

ўрнатиши — инвестицияларни жойларга жалб этиш, маҳаллий иқтисодиётни ривож-лантириш ва тадбиркорлик муҳитини яхши-лашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, "C5+1" формати доира-сидаги мулоқотга алоҳида эътибор қаратил-гани Ўзбекистоннинг минтақавий барқарор-лиги ва кўп томонлама ҳамкорликда фаол ўрин тутётганини кўрсатади. Бу формат на-фақат Марказий Осиё мамлакатлари ўрта-сидаги ҳамжиҳатлини мустаҳкамлайди, бал-ки йирик халқаро ҳамкорлар билан умумий ёндашувларни шакллантиради.

Албатта, бундай юксак натижалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг та-шаббуслари, очик ва дўстона мулоқотлари ҳамда миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилган ҳолда олиб бораётган оқилона

ташқи сиёсати самарасидир. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбари халқаро майдонда Ўзбекистонни ишончли, масъулиятли ва конструктив шерик сифатида мустаҳкам ўрин эгаллашда янги босқични бошлаб берди, десак, айни ҳақиқат.

Давлат раҳбарларининг ушбу мулоқоти икки давлат ўртасидаги муносабатларни яна-да чуқурлаштиришга хизмат қилиши, мамлакатимиз олдида янги иқтисодий ва сиёсий имкониятларни очиб бериши билан аҳамиятлидир. У Ўзбекистон — АҚШ муно-сабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қиладиган, мамлакатимиз тараққиёти учун янги стратегик имкониятлар очадиган му-ҳим воқеа сифатида тарихда қолади.

Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.



ВОҲА ЁШЛАРИНИНГ БАНДЛИГИ ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Вилоят бўйича ўтказилган меҳнат яр-маркаларида 53 376 та бўш иш ўрни тақ-лиф қилинган бўлса-да, ушбу ярмарка-ларда иштирок этган 5 382 нафар ишсиз ёшнинг 1 537 нафари (28,5 фоизи) ишга жойлаштирил-ган, 3 401 йигит-қизга эса маслаҳат берилган ҳолос.

Касбий кўникмалар марказида ўқини тамом-лаган 1 248 кишидан 56 фоизининг бандлиги таъ-минланмаган.

Шунингдек, Савдо-саноат палатасининг вило-ят бошқармаси томонидан тадбиркорлик кўник-маларига ўқитилган 724 кишининг ишга жойлаш-ган-жойлашмаганлиги бўйича мониторинг ишла-ри олиб борилмаган. Бундан ташқари, айрим ҳудудлардаги ёшлар саноат ва тадбиркорлик зо-наларида зарур муҳандислик-коммуникация ҳамда транспорт инфратузилмаси етарли даражада яратилмаган.

Хусусан, Қизилқум туманидаги "Зарбдор" ҳамда Қумқўрғон туманидаги "Боғор" ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида электр энергияси ва ичим-лик суви тармоқларида уланмаган. Шунингдек, Ан-гор туманидаги "Баҳор" ёшлар саноат зонасида табиий газ таъминоти мавжуд эмас.

Худуддаги туман ва шаҳарларда ташкил этил-ган 12 та ёшлар саноат зонасида йўл инфрату-зилмасини яхшилаш ишлари ханузгача тўлиқ якун-ланмаган.

Сенаторлар ёшлар саноат зоналари инфрату-зилмасини яхшилаш бўйича вилоят ҳокимлиги бил-ан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилишини таъ-кидлади.

Мажлис якунида қабул қилинган қарорга асо-сан ўрғаниш давомида аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш юзасидан Камбағалликни қисқарти-риш ва бандлик вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар зиммасига вазифалар юклатилди.

Айтилганидек, 2001 йилда қабул қилинган "Аҳолини сил касаллигиндан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун фтизатирини йўналишида амалга оширилган ислохотлар натижасида қатор ўзгаришлар киритилиши талаб этмоқда.

Хусусан, силга қарши курашиш муасса-саларида даволаниш учун электрон навбат бўйича йўлланма олиш тизими сил касал-лигининг юқумли шаклига чалинган бемор-ларни мазкур муассасаларга эрта жой-лаштириш имкониятини чеклаб қўймоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда амалда қўлланилаётган сил касаллигини диаскин-тест ва гамма-интерферон ёрдамида аниқ-лаш усуллари, сил касаллигининг сўнгги босқичида унинг оғир аломатларини енгил-лаштиришга, беморнинг ҳаёт сифатини ях-шилашга, руҳий ва ижтимоий муаммолари-

Кўп хонадонли уйлари бошқаришдаги ҳуқуқий бўшлиқлар тўлдирилади

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси йиғилишида кўп квартиралли уйлари бошқаришга оид қонунга тақлифлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кўмита аъзолари, Сенат девони ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан соҳага оид амалдаги қонунчилик ҳуж-жатлари ҳар томонлама таҳлил қилиниб, хорижий давлатлар-нинг илгор тажрибаси атроф-лича ўрганиб чиқилган. Рақам-лаштириш ҳамда замон талаб-ларига мос равишда кўп квар-тиралли уйлари бошқариш амалиёти юзасидан олиб бо-рилган таҳлиллар, шунингдек, ривожланган хорижий мамла-катлар тажрибасини ўрганиш бошқарув органлари фаоли-яти амалдаги қонунчилик ҳуж-жатлари билан тўлиқ ва аниқ тартибга солинмаганлигини кўрсатди.

Ўрғаниш якунлари бўйича

қилиниши назарда тутилмоқда. Лойиҳага кўра, соҳанинг ҳуқуқий базасини мустаҳкам-лаш мақсадида 8 та янги мод-да қўшилиб, амалдаги 20 та моддага тахририй тузатишлар киритиш назарда тутилган.

Сенаторлар мазкур қонунчи-лик тақлифларининг келгуси-да амалиётга таътиб этилиши кўп квартиралли уйлари бошқаришда шаффофлик ва самарадорликнинг таъминла-нишига, бошқарув органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, рақамлаштириш ҳамда мулкдорларнинг фаол иштирокини таъминлаш орқал-и уй-жой фондини яхшилаш-га хизмат қилиши ҳақида фикр билдирди.

Муҳокама якунида қонунчи-лик тақлифи сифатида Қонун-чилик палатасига киритиш бўйича Сенат Кенгашига тақ-лиф бериш юзасидан келишиб олинди.

ҚОНУНЧИЛИККА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАКЛИФИ БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида сил касаллигининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган қонунчиликка тақлифлар масъул вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида муҳокама этилди.

Айтилганидек, 2001 йилда қабул қилинган "Аҳолини сил касаллигиндан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун фтизатирини йўналишида амалга оширилган ислохотлар натижасида қатор ўзгаришлар киритилиши талаб этмоқда.

Хусусан, силга қарши курашиш муасса-саларида даволаниш учун электрон навбат бўйича йўлланма олиш тизими сил касал-лигининг юқумли шаклига чалинган бемор-ларни мазкур муассасаларга эрта жой-лаштириш имкониятини чеклаб қўймоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда амалда қўлланилаётган сил касаллигини диаскин-тест ва гамма-интерферон ёрдамида аниқ-лаш усуллари, сил касаллигининг сўнгги босқичида унинг оғир аломатларини енгил-лаштиришга, беморнинг ҳаёт сифатини ях-шилашга, руҳий ва ижтимоий муаммолари-

ни ҳал этишга қаратилган паллиатив тиб-бий ёрдам кўрсатиш масалалари амалдаги қонунда назардан четда қолган.

Шунингдек, ушбу соҳада давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатлари ҳамда фуқаро-лик жамияти институтларининг иштироки ҳам мазкур ҳужжатда акс этмаган.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ишлаб чиқил-ган тақлифлар қонунни янада такомиллашти-ришга, аҳолини сил касаллигиндан комплекс ҳимоя қилиш ва сифатли даволаш тизимини яратиш ҳамда мазкур касалликдан муҳофаза-лашда жамоатчилик назоратини таъминлашга туртки беради.

Муҳокама сўнггида қонунчилик тақлифи сифатида қуйи палатага киритиш учун Сенат Кенгашига тақлиф бериш қарори маъқулланди.

«Халқ сўзи».

КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ОДИЛ СУДЛОВГА ЗРИШИШ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ



Ўзбекистон Рес-публикаси Консти-туциявий суди раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов кириш сўзида мазкур фар-мон Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур ва изчил конституциявий ислохотларнинг мантқиқий да-воми бўлиб, у мамлакатим-изда конституциявий на-зорат институтининг ўрни, роли ва таъсирчанлигини сифат жиҳатдан янги бос-қичга кўтаришга қаратилган стратегик, сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат эканини таъкидлади.

Фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга таътиб этиш жараёнида Қонунчилик палатаси, Конституциявий суд ва ижро ҳокимияти ўрта-сидаги ҳамкорлик янги, маз-мунан бой ва тизимли шакл-касб этиб, бу мамлакатим-изда давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ишонч, очкилик ва ўзаро масъулият тамойилларини янада мустаҳкамлаши урғу-ланди.

Тадбир иштирокчилари мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамиятига алоҳи-да тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, Консти-туциявий суд фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш — тезкорлик ва шаффофликни

сидан белгиланган муддат-ларда парламент палатала-ри ва Конституциявий суд-га ахборот киритиши мус-таҳкамланмоқда. Яъни бу орқали Конституциявий суднинг ахборотида қайд этилган тақлиф ва тавсия-ларни амалиётга жорий қилишининг аниқ механиз-лари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, фар-монда Конституциявий суд-нинг мурожаатларни кўриб чиқишда янги тартиб бел-гиланяпти.

Эндиликда Конституция-вий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи бўлмаган фуқаро ёки юридик шахс томонидан мурожаат бўлганда Консти-туциявий суд уни шунчаки муаллифга қайтармайди, балки Конституциявий суд-га мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган субъектга юбо-ради. Бу ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда конституциявий назоратнинг ролини оши-ришдан дарак беради. Яъни Конституциявий суд-га мурожаат бевътибор қолдирилмайди.

Фармонда назарда ту-тилган чора-тадбирларни амалга оширишда Консти-туциявий суд бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бажарадиган вазифалар ҳам мавжуд.

Давра сўхатида ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-муло-ҳазаларини билдирди.

Яқунда Конституциявий суд иш юритувининг қону-ний асосларини такомил-лаштириш, бу борада пар-ламентнинг масъул қўмита-си билан яқин ҳамкорлик-ни кучайтиришда яқдил эканлиги урғуланди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, меҳнат бозорига адолат ва шафқофликни таъминлаш масаласи давлат сиёсатида энг муҳим йўналишлардан бирига айланди. Хусусан, ўтган даврда юртимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини тўлақонли, манзилли ва самарали ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилди, мазкур ўзгаришлар халқимиз ҳаёти ва кундалик турмушида яққол ифодасини топмоқда.

Янги қонун



Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида белгиланиши ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислохотлар учун ҳуқуқий асос яратди. Бош қомусимизда бу тамойилнинг мустақамлаб қўйилиши давлатнинг фуқаролар фаровонлигини таъминлашдаги асосий бурчи эканини яна бир бор тасдиқлади.

Меҳнатга лаёқатсиз бўлган даври учун тўланадиган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ва ходим ишдан бўшагани сабабли тўланадиган ишдан бўшатилиш нафақаси Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан тўлаб берилади. Жамғарма маблағлари давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни, шу жумладан, мазкур тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга сарфланади.

Конституциямизга асосан давлат зиммасига юклатилган ижтимоий мажбуриятларни бажариш ҳамда юртимизда ижтимоий давлат барпо этиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1 миллион нафардан зиёд фуқаролар камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 6,6 фоизга туширилди.

Шу билан бирга, оғир ҳаётий вазиятларда аҳолининг даромадсиз қилиши ва камбағалликка тушишининг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Натيجада янги иш ўринлари сони ошиб, аҳолининг иқтисодий фаоллиги юксалди. Норасмий бандлик эса қисқариб, расмий меҳнат муносабатлари кенгайди.

Президентимиз томонидан шу йил 9 декабрь кuni имзоланган "Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги Қонун мамлакатда ягона, барқарор ва адолатли ижтимоий суғурта тизимини шакллантиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлиб, у нафақат фуқароларнинг ижтимоий кафолатларини кенгайтиради, балки тадбиркорлар учун ҳам ортиқча молиявий юктамаларни босқичма-босқич камайтиришни назарда тутди.

Мазкур ҳужжатнинг мақсади фуқароларни вақтинча меҳнат қўбилитинини йўқотганда ёки ишдан бўшатилганда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва камбағалликка тушиб хавфининг олдини олишдан иборат бўлиб, бу янги ҳаёт шартлари орқали ҳам ходимлар, ҳам иш берувчилар манфаатлари ҳимоя қилинади.

Қонунда давлат ижтимоий суғуртаси, унинг субъектлари, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар, суғурта стажи каби тушунчаларга аниқ таъриф берилди. Давлат ижтимоий суғуртасининг амал қилиши қилмаларга нисбатан мажбурий, яна қилмаларга нисбатан ихтиёрий асосда амалга оширилиши ўз ифодасини топган.

Ҳужжат билан учта ижтимоий ҳодиса юзга келганда, яъни аёлларнинг туғуруқкача ва туғуруқдан кейинги даври учун тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, ходимларнинг касаллиги сабабли

меҳнатга лаёқатсиз бўлган даври учун тўланадиган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ва ходим ишдан бўшагани сабабли тўланадиган ишдан бўшатилиш нафақаси Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан тўлаб берилади. Жамғарма маблағлари давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни, шу жумладан, мазкур тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга сарфланади.

Қонунга биноан аҳолини суғурталаш тартиби ҳам аниқ белгилаб берилди. Унга кўра, меҳнат шартномаси бўйича банд ходимлар мажбурий, яқна тартибдаги тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилган, деҳқон хўжалиги ва томорқда ишловчилар, чет элда ёлланган ишлайдиган фуқаролар эса ихтиёрий асосда суғурталанади. Расмий банд бўлган барча шахсларга нафақалар босқичма-босқич Ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан тўланиши йўлга қўйилди.

Келгуси йилдан бошлаб аёлларга ҳомиладорлик нафақаси, 2026 йил иккинчи ярмидан эса вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари тўлаб борилади. Қолаверса, фуқароларнинг мурожаатлари асосида 2030 йил 1 январдан ишдан бўшатилиш нафақаси ҳам жамғарма орқали тайинланади ва тўланади. Бу тизимнинг жорий қилиниши натижасида 2,2 млн. бюджет корхоналари ходимларининг, 3,6 млн.дан ортиқ хусусий секторда банд бўлган фуқаролар, 7 млн.дан ортиқ ЯТТ, ўзини ўзи банд этган ҳамда норасмий секторда меҳнат қилаётган фуқаролар, умумий ҳисобда 13 млн.дан зиёд инсонларни ижтимоий кафолатларни таъминланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги ислохотлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим омилларидан бири. Мазкур қонун, шубҳасиз, Ўзбекистондаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш, фуқароларни турли ижтимоий хавфлардан ҳимоялаш, расмий бандлик даражасини ошириш ва бизнес учун қўлай шартро яратиш, энг муҳими, инсон кадр-қимматини юксалтиришга хизмат қилади.

Моҳира ХҲАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Инновация

Қораўзақ тумани Ўзбекистоннинг энг чека ҳудудларидан ҳисобланади. Бу ерда доим кучли шамол эсиб туради. Табиатнинг бу неъматини энергия манбаига айланиб, ҳар бир хонадонга умид, ишонч ва қўлайлик олиб кирмоқда. Қорақалпоқларда "Улуснинг улуг кўни" деган ибора бор. Айниқса, "Нукус — 1" шамол электр станцияси ишга туширилгани тумanning энергия мустақиллиги йўлида муҳим қадам бўлди. Энди Қораўзақнинг шамоли шунчаки табиат ҳодисаси эмас, балки янги ривожланиш йўлини очувчи улкан имкониятдир.

ШАМОЛ ҚАНОТИДАГИ НУР

— Қораўзақдаги шамол электр станцияси Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси иштирокидаги йирик лойиҳанинг биринчи босқичидир, — дейди станция директори Сардорбек Махмудов. — Иккинчи босқичда Беруний туманида 26 та турбина ўрнатилиб, 100 МВт қувватга эга энергия саклаш тизими барпо этилади. Бу лойиҳани келаси йил сентябрда ишга тушириш режалаштирилган. Қўнғирот туманида эса 1,5 ГВт қувватга эга улкан шамол электр станцияси лойиҳаси устида ишланмоқда. Мутахассисларнинг 80 фоизи маҳаллий ёшлар.

Бундай йирик лойиҳани амалга оширишдан аввал йиллар давомида Қораўзақнинг шамол тезлиги, ҳаво оқимларининг ўртача йўналиши ва экологик шароитлар атроф-муҳитга таъсири таъминланди. Шу тадқиқотлар натижасида ҳудуднинг шамол энергетикаси учун энг қўлай жой экани аниқланди. Лойиҳанинг умумий қиймати 107 млн. доллар, қуввати

100 мегаватт бўлиб, унда ҳар бири 6,5 МВт қувватга эга 16 та замонавий шамол турбинаси қад ростлади. Бу турбиналар йил давомида тахминан 350 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Ҳозирда тўлиқ қувватда ишга туширилди.

— "Нукус — 1" шамол электр станцияси ишга туширилгани ҳақида ҳам иш эмас, — дейди станция энергетиги Тимур Сейитназаров. — Қўнғирот туманида электр олиш бақалари махсус консултантлар назоратида 2,5 км. узюқликка қўчилиб, — дейди тажрибали эколог Анвар Атамуратов. — Қўнғирот хавфсизлиги учун АҚШдан 6 мингта метр табиий газ тежалади, атмосферага чиқадиган 180 минг тонна карбонат ангидрид газини чиқиндиларнинг тарқалиши камайдир. Бу нафақат минтақанинг экологик

нинг атроф-муҳитга таъсири минималлаштириш чоралари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қораўзақдаги шамол электр станцияси қурилишидан аввал ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилиб, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тадқиқотлари ўтказилди ва барча технологиялар экологик стандартларга мувофиқ танланди.

— Қурилишдан олдин ҳудуднинг флора ва фаунаси синчиклаб ўрганилиб, 240 га яқин ўрта Осиё тошбақалари махсус консултантлар назоратида 2,5 км. узюқликка қўчилиб, — дейди тажрибали эколог Анвар Атамуратов. — Қўнғирот хавфсизлиги учун АҚШдан 6 мингта метр табиий газ тежалади, атмосферага чиқадиган 180 минг тонна карбонат ангидрид газини чиқиндиларнинг тарқалиши камайдир. Бу нафақат минтақанинг экологик



барқарорлиги, балки энергетика самарадорлигини ҳам таъминлайди. Агарда бу станция ишлаб чиқарадиган энергияни хонадонлар мисолида айтадиган бўлсак, 140 минг хонадонни электр билан таъминлаш қувватига эга. Бу — Қораўзақка ўшаш 12 та туман хонадонлари сарфлайдиган энергияни ишлаб чиқаради, дегани.

— Олдинлари бу ерда фақат қурилиш материаллари чиқариларди, — дейди меҳнат фахрийси Қидирниёз Досназаров. — Ҳозирда гранит, темир, мис ва олтин қазиб олинди, қайта ишланмоқда. Айни пайтда ишга туширилган ва туширилаётган шамол электр станциялари катта имкониятлар эшигини очмоқда. Эътиборлиси, бу эндиликда қанчадан-қанча кичик бизнес лойиҳаларини энергия билан таъминлашни ҳисобга олсак, халқимиз учун нечоғли муҳим аҳамият касб этиши янада яққол кўринади.

Қораўзақ кенгликлари нафақат табиат бойлиги, балки инсон меҳнати ва замонавий технологиялар уйғунлашган масканга айланмоқда. Улар ҳудудда янги ғояларга, саноат ва иқтисодий ривожланишга илҳом бағишлаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Шамоллар қанотида келган нур эса Қорақалпоғистон бўйлаб ёруғлик улашмоқда.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ИНВЕСТИЦИЯ – ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ

Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган изчил сиёсат туфайли сўнгги йилларда иқтисодий тараққиёт жадвал суръатларда ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш, инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилиб, юқори даромадли иш ўринлари яратилди. Юз бераётган бу илҳомий ўзгаришларда мамлакатимизда яратилган қўлай инвестициявий муҳит муҳим ўрин тутди. Инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари вазифасини бажарувчи Акрам АЛИЕВ билан суҳбатимиз айни шу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида бўлди.

Сарҳисоб

— Бугун дунёда юз бераётган иқтисодий тебранишлар йирик халқаро инвесторларни эҳтиёткорлик билан қарор қабул қилишга ундамоқда. Шундай бир шароитда мамлакатимиз иқтисодийнинг хориж сармоялари учун жозибадорлигини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳар қандай сармоядор бирор-бир мамлакатда амалга оширилаётган лойиҳага маблағ қилишидан олдин у ерда яратилган инвестициявий муҳитни обдан ўрганиб чиқади. Бу ерда иқтисодийнинг эркинлиги қай даражадалиги, тадбиркорларга қандай шароитлар яратилгани, инфратузилма қанчалик ривожлангани ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб масалалар билан қизиқади. Чунки киритаётган сармоясининг муваффақияти ана шу омилларга вевосита боғлиқ. Ҳозир дунё иқтисодийётида кузатилаётган бекарорлик эса инвесторларни янада хушёр қилиб, "етти ўлчаб, бир кесил"га мажбур қилмоқда. Бундай шароитда мамлакатга хорижий инвесторларнинг жалб этиш осон эмас.

Шундан келиб чиқиб, Президентимиз таъаббуслари асосида мамлакатимизда инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, иқтисодий босқичма-босқич либераллаштирилиб, рақобат муҳити мустақамлашмоқда, иқтисодийётида давлат улушини қисқартириш ҳамда хусусий секторни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлар ҳам диққат марказида турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентини тузурида Хорижий инвесторлар кенгаши тузилди. Ҳукуматимиз бизнесни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини соддалаштирди. Эндиликда бу ишни 30 дақиқа ичиде амалга ошириш мумкин. 150 дан зиёд турдаги рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш жараёни рақамлаштирилгани эса бюрократик тўсиқларни сезиларли даражада камайтирди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон инвесторларга солиқ имтиёзлари, боғхона тўловларидан озод қилиш ва мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини ўз ичига олган бир қатор преференцияларни тақдир этди.

Бизнес учун хавфларни камайтириш мақсадида низоларни адолатли ва шафқоф ҳал қилишни таъминловчи ҳуқуқий тизимни тақомиллаштириш бўйича ҳам ишлар фаол олиб борилаётган. Илгор халқаро тажриба асосида "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонунларнинг янги таҳрири лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Айни пайтда мамлакатнинг сармоявий муҳитини баҳолаш мақсадида Иқтисодий

ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан биргаликда Инвестиция сиёсати оид лойиҳа амалга оширилмоқда. Унга кўра, 8 та йўналиш, хусусан, тадбиркорликни масъулиятли бошқариш, солиқ имтиёзларини баҳолаш, тартиб-таомилларни соддалаштириш, сармоя ҳамда савдо муносабатлари ва бошқа жиҳатлар бўйича инвестиция муҳити таҳлили олиб бориламоқда. Таҳлиллар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади.

Жорий йилда вазирлигимиз томонидан ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлиги рейтингини ҳам ишлаб чиқилди. Ушбу рейтинг ҳудуд, туман ва шаҳарлар инвестиция салоҳияти ва бошқарув самарадорлигини баҳолаш ва уни яхшилаш чораларини кўриш имконини беради.

2017 — 2024 йилларда қўлай инвестиция муҳити яратишга қаратилган ислохотлар натижасида мамлакатимиз яли ички маҳсулотни жорий нархларда 62,1 миллиард доллардан қарий 115 миллиард долларга етди. 113,2 миллиард доллардан ошқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Инфляция даражаси 14,4 дан 9,8 фоизгача қисқарди.

— Бу саяё-ҳаракатлар қандай натижа беряпти?

— Саволга аниқ рақамлар билан жавоб берадиган бўлсак, Давлат инвестиция дастурига кўра, жорий йилнинг тўққиз ойида 30,5 млрд. доллар ҳажмидаги хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, амалда 35,7 млрд. долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. Утган йилги кўрсаткичга нисбатан ўсиш 1,5 баробарни ташкил этди. Шунингдек, 9 ойда қиймати 3,9 млрд. долларлик йирик ва аҳамиятли 92 та лойиҳа ишга туширилиб, 11,3 мингта иш ўрни яратилди.

Масалан, тоғ-кон саноати соҳасида "Vab energy ve petrol urunleri" МЧЖ томонидан Ангрен шаҳрида қиймати 60 млн. долларлик "Апарат-3" кўмир қоники ўзлаштириш лойиҳасининг биринчи босқичини амалга ошириш 605 та иш ўрни яратиш имконини беради.

Энергетика соҳасида Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси иштирокида қиймати 1,3 млрд. долларлик лойиҳа — Бухоро вилоятининг Ғиждувон ва Пешку туманларида қуввати 1 ГВт бўлган шамол электр станцияларини қуриш ишлари янқуланади.

"Иссиклик электр станциялари" АЖ томонидан Туркиянинг "Ilteknо" компанияси иштирокида Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Сергели туманларида қуввати 3,5 МВт бўлган 11,9 млн. долларлик когенерация қурилмалари ўрнатилиб, 25 та иш ўрни яратилди.

Кимё саноати бўйича Чирчиқ шаҳрида



Самарқанд шаҳрида "Azia metall prof" МЧЖ томонидан 220 млн. долларлик машини техника ва автомашиналар учун туңука тобоқлар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 300 та иш ўрни яратилди. Учкўприк туманида "Yong xin" МЧЖ томонидан 70 млн. долларлик керамогранит плиталар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасининг амалга оширилиши 500 та иш ўрни яратиш имконини беради.

Бекобод шаҳрида "Ўзметкомбинат" АЖ томонидан қиймати 834 млн. долларлик қуюв прокатлаш мажмуасини қуриш лойиҳасини ишга тушириш орқали 1,2 мингта иш ўрни яратилди.

Жиззах шаҳрида Хитойнинг "Mingyuan silu

industry" компанияси иштирокида қуввати 2 млн. кв.м. бўлган 70 млн. долларлик қурилиш ойнаси ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. Мамлакатимиз миқёсида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

— Истикболли лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва товарлар ҳажми ҳам ортади. Уларни экспортга йўналтириш борасида ҳам қандайдир ишлар амалга ошириляптими?

— Албатта. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида амалга оширилган кенг қамровли ишлар туфайли 2024 йилда товарлар экспорти географияси яна 55 та давлатни қамраб олди ва ташқи экспорт бозорлар сони сўнгги 8 йил ичиде 186 тага етказилди. Шу йил октябрь ойига келиб Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари каби "премиум" бозорларга экспорти ҳажми 17 фоиз ўсиб, 1,6 млрд. долларни ташкил этди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда экспорт соҳасида сўнгги 8 йил давомида бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон 2017 йилга қадар пахта экспорт бозорларини диверсификация қилиш, жумладан, АҚШ ва Европа давлатларига экспортни амалга ошириш мақсади-

да АҚШдан "Made with U.S. Cotton" дастури доирасида пахта толасини импорт қилиш ва ушбу мамлакатга тайёр маҳсулотларни қайта экспорт қилиш борасида ишлар олиб бориламоқда.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва хорижий харидорга етказишга бўлган жараёнларда тадбиркорларни молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш мақсадида экспортчи корхоналарни Савдога қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари кўриляпти. Жумладан, жорий йилда халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш, стандартлаштириш ва сертификатлаш, хорижда савдо уйлари ва омборхоналар очиш, реклама компанияларини ташкил қилиш бўйича 156,5 млрд. сўм молиявий қўмак кўрсатилиб, 1,7 млрд. долларлик экспорт таъминланди. Шу билан бирга, 331 та корхонага 269 млн. долларлик айланма маблағлар ажратилиш орқали 1,1 млрд. долларлик экспортга эришилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шундаки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда экспортнинг замонавий механизмлари, жумладан, электрон тижорат платформаларидан фойдаланиш ҳам жадвал суръатларда ривожланмоқда. Президентимизнинг тегишли фармони билан ушбу йўналишда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари татбиқ этилди. Натижда вазирлигимиз ташаббуси билан Хитойнинг етакчи электрон тижорат майдончаларида "Хитойга экспорт" дастури доирасида Ўзбекистоннинг миллий павильони ва дўконларини ташкил этиш бўйича қилишувларга эришилди.

Умуман, бугунги кунда мамлакатимизда экспортчилар сони қарийб 9,5 мингтани ташкил этади. Фақат шу йилнинг ўзида 2 816 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилиб, улар томонидан 1,8 млрд. долларлик маҳсулот хорижга жўнатилди. Янги корхоналарни экспортга кенг қўламли жалб этиш ва экспорт бозорларини диверсификация қилиш мақсадида вазирлик томонидан экспорт акселератор дастурлари амалга ошириб келинмоқда. Жорий йилда ушбу дастурлар доирасида 100 та корхона очик танлов асосида танлаб олинди, уларга халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш, ишлаб чиқариш фаолиятига халқаро стандартларни жорий этиш, замонавий инструментлар орқали хорижий ҳамкорлар билан экспорт шартномалари имзолашга қўмаклашилди.

Мамлакатимизда инвестициявий муҳитни яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишда ҳудудларда ташкил этилаётган саноат зоналари ҳам муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда жами 746 та саноат зонаси мажбурд бўлиб, шундан 46 таси махсус иқтисодий зоналардир. Сўнгги 9 ойда умумий қиймати 9,2 трлн. сўм бўлган 76 та лойиҳа ишга туширилган.

Амалга оширилаётган бу ишлар мамлакатимиз иқтисодийёти янада юксалтириш орқали халқимиз фаровонлигини ошириш, Янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган.

Шуҳрат ЖАББОРОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ:

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларидан буён изчил ривожланиб, бугунги кунда стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Нуктаи назар

Япония Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йилда тан олган илк давлатлардан бири бўлиб, 1992 йилда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил декабрь ойида Японияга амалга оширган илк расмий ташрифи икки томонлама муносабатларда муҳим босқич бўлди.

Кунчақ юртга сафар натижалари

Шу йил октябрь ойида Ўзбекистон олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги раҳбарлигида делегациянинг Японияга ташрифини икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг самараси дейиш мумкин.

Делегация таркибида Японияга сафар давомида Цукуба шаҳрида бўлиб ўтган "Tsukuba Conference 2025" халқаро анжумани ҳамда Осака шаҳрида ўтказилган "EXPO — 2025" кўргазмасида қатнашдик.

Тоё университети ректори Эцуко Ягучи билан учрашувда ЎзДЖТУ фаолияти, амалга оширилаётган халқаро лойиҳалар, талабалар ва

профессор-ўқитувчилар учун яратилган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Музокаралар якунида қатор келишувларга эришилди: алмашинув дастурини йўлга қўйиш, япон тили ўқитувчиларини ЎзДЖТУга юбориш, талабалар учун онлайн курслар ташкил этиш, 2026 йил баҳорида Тоё университети талабаларининг Ўзбекистонда амалиёт ўташини таъминлаш, кўшма лойиҳалар ва шартномаларни амалга оширишга келишилди.

"Янги чўққилар сари жамият билан ҳамкорликда" мавзусида ўтган тўртинчи "Tsukuba Conference 2025" халқаро анжуманида давлат бошқаруви, саноат ва илм-фан соҳаларининг етакчи вакиллари глобал муаммоларга фан ва инновациялар орқали ечим топиш, халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Айниқса, Осака шаҳрида ўтказилган "Хаёт учун келажак жамиятини лойиҳалаштириш" мавзусидаги "EXPO — 2025" бутунжаҳон кўргазмаси эса қоларли бўлди. Тадбир давомида Ўзбекистон, Япония, Корея Республикаси ҳамда Бирлашган Араб Амириклари павильонлари билан танишилди.

Ўзбекистон павильонида миллий маданият, туризм салоҳияти ва инновацион лойиҳалар намойиш этилиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижига тарғиб қилинди.

Межли университет президенти Такаши Янагия билан музокараларда талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш, грантлар ажратиш, япон тили ўқитувчиларини юртимизга юбориш ҳамда кўшма илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Этибборлиси, университетнинг "Meiji University news" газетасида Ўзбекистонда таълимга улкан инвестициялар ажратилаётгани ва халқаро ҳамкорлик барча соҳада кенг ривожланаётгани ҳақида мақола чоп этилди.

Шунингдек, Бункё Гакуин университети президенти Тсутому Фукуи ҳамда бошқарув кенгаши раиси Шимада Масасаки билан ҳам учрашиб, ҳамкорликни кенгайтириш ва янги шартнома имзолаш бўйича келишувга эришилди. Токио чет тиллари коллежи раҳбарияти билан учрашувда муассаса раҳбари



Кажихара Коуеи билан таълим дастурлари, таржима лабораториялари, алмашинув дастурлари ва профессионал таржимонлар тайёрлаш масалалари муҳокама қилиниб, ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Ректорларнинг бешинчи форуми

Шу йил 30-31 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Билим ва жамият ўртасидаги уйғунлик: инсон тараққиёти ва инновациялар йўлида фанларро ёндашувлар" мавзусидаги Ўзбекистон ва Япония олий таълим муассасалари ректорларининг 5-форуми амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Кунчақ юртининг таълим ва маданият орқали халқаро нуфузини ошириш тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим модел ҳисобланади. Жумладан, ЎзДЖТУ иштирокидаги маданий-маърифий лойиҳалар, тил марказлари ва илмий форумлар икки халқ ўртасида ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамловчи муҳим платформага айланяпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Япония Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Икки мамлакатнинг етакчи университетлари раҳбарлари, таниқли олимлар, етуқ мутахассислар қатнашган тадбирда соҳани янада ривожлантириш, илм-фан ва инновацияларни жамият тараққиёти билан уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманда Япония олий таълим муассасалари билан академик алмашинув ва ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фикр алмашдик. Меҳмонларга университетимизда амалга оширилаётган халқаро лойиҳалар, хорижий талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шартнолар, шунингдек, япон тили ва маданиятини ўргатиш йўналишидаги таълим дастурлари ҳақида батафсил маълумот бердик.

Тадбирнинг муҳим воқеаларидан бири — Япониянинг нуфузли Цукуба университети билан талабалар алмашинуви бўйича шартнома имзолангани бўлди. Мазкур келишув олийгоҳларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиб, икки мамлакат ёшлари ўртасида ўзаро тушуниш, дўстлик ва академик тажриба алмашувини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Форумда ЎзДЖТУ ҳамда Цукуба университети ўртасида академик алмашинув ва ҳамкорлик тўғрисида алоҳида шартнома ҳам имзоланди. Ушбу битим профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар алмашинуви, кўшма илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, ўқув дастурлари, дарсликлар ва методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш, кўшма семинар, симпозиум ва конференциялар ташкил этиш, магистратура ва докторантура даражасида кўшма таълим олиб бориладиган шартноларни имзолаш бўйича йўналишларини ўз ичига олади.

Шунингдек, Илғор тадқиқотлар бўйича докторантура университети — СОКЕНДАИ президенти, профессор Такаши Нагата билан ҳам "B to B" форматда учрашув ўтказдик. СОКЕНДАИ — Япония бўйлаб 20 та илмий тадқиқот институтини бirlаштирган йирик илмий марказ бўлиб, у ерда докторлик даражаси бўйича таълим олиб борилади. Учрашувда мазкур муассаса билан профессор-ўқитувчилар алмашинуви, илмий тадқиқот лойи-

ҳалари ҳамда талабалар учун докторантура ва илмий стажировкалар дастурларини йўлга қўйиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ушбу учрашувлар, имзоланган битимлар ЎзДЖТУнинг Япония олийгоҳлари билан ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш, илмий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда талаба ва илмий ходимлар учун янги имкониятларни яратиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Таълим дипломатияси ва «юмшоқ куч» омили

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, стратегик манфаатлар ва ўзоқ муддатли ривожланиш тамойилларига асосланган. Олий даражадаги ташрифлар, таълим соҳасидаги фаол

Ўзбекистон — Япония муносабатларининг истиқболлари ўзаро ишонч, стратегик манфаатлар ва инновацион тараққиёт тамойилларига асосланади. Олий даражадаги ташрифлар, таълим соҳасидаги кенг қўламли ҳамкорлик ва халқаро форумлар бу алоқаларни сифат жиҳатдан янада юксалтирмоқда. Жумладан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети иштирокидаги ташаббуслар икки мамлакат ўртасида илмий, маданий ва инсоний алоқаларни мустаҳкамловчи муҳим академик кўприк вазифини бажаряпти.

Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори, профессор.

ҳамкорлик ва халқаро форумлар ушбу алоқаларни янги даражага кўтармоқда.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 18 — 20 декабрь кунлари Японияга расмий ташрифи иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Ташриф давомида таълим, илм-фан, "яшил" технологиялар ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида ўзоқ муддатли ҳамкорлик бўйича битимлар имзолангани икки давлат муносабатларининг истиқболини янада мустаҳкамлайди.

Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар нафақат икки томонлама, балки минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга стратегик ҳамкорлик сифатида ривожланиб бормоқда. Жумладан, таълим ва илм-фан соҳасида алоқалар изчил кенгаймоқда.

Олий таълим муассасалари ўртасида кўшма таълим дастурлари, магистратура ва докторантура даражасидаги кўшма лойиҳалар жорий этиляпти. Хусусан, ЎзДЖТУ ва Япония университетлари ўртасида япон тили, таржима, халқаро муносабатлар ва инновацион педагогика йўналишларида кўшма илмий мутахассислар ташкил қилинаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Талабалар, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар алмашинувини кўпайтириш, қисқа ва ўзоқ муддатли стажировкаларни ташкил этиш орқали Ўзбекистон олий таълим тизимига Япония тажрибаси жадал кириб келмоқда. Бу жараён таълим сифатини ошириш ва халқаро рейтингларда Ўзбекистон университетларининг ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кунчақ юртининг таълим ва маданият орқали халқаро нуфузини ошириш тажрибаси Ўзбекистон учун муҳим модел ҳисобланади. Жумладан, ЎзДЖТУ иштирокидаги маданий-маърифий лойиҳалар, тил марказлари ва илмий форумлар икки халқ ўртасида ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамловчи муҳим платформага айланяпти. Келгусида Япония билан рақамли таълим, сунъий интеллект, экологик барқарорлик ва "яшил" иқтисодиёт йўналишларида кўшма илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш халқимизнинг инновацион ривожланиш стратегиясига мос келади.

Асосийси, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги таълим соҳасидаги алоқалар ўзоқ муддатли стратегик шериклик модели сифатида шаклланиб, нафақат икки мамлакат, балки Марказий Осиё минтақаси учун ҳам илмий таълимий марказлар ривожига туртки бўлиши кутилмоқда.



Оғир атлетика: МЕДАЛЛАР СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Оғир атлетика бўйича "10th Qatar Weightlifting Cup" турнири якунига етиб бормоқда.

Аёллар ўртасида 77 килограммгача вазн тоифасидаги бахсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Машхура Рустамова даст кўтаришда 86 кг., силтаб кўтаришда 111 кг. натижани қайд этди. Спортчимиз икки кураш якунларига кура, жами 197 кг. натижа билан ҳар учала йўналишда ҳам мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди.

Яна бир ҳамюртимиз Зиёда Худойкулова (-63 кг.) даст кўтариш машинида 90 кг. тошни бўйсундириб, учинчи ўринни эгаллади. У икки кураш якунлари бўйича 200 кг. натижа билан яна бир бронза медалини қўлга киритди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоасининг мусобақадаги медаллари сони ҳозирча 14 тага етди.

Футбол: ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ ҚАТАРДАГИ ЙИГИНИ

Фабие Каннаваро мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2026 йилнинг 22 январидан 2 февралгача қадар Қатарда ўқув-машғулот йиғинида иштирок этади. Унга маҳаллий ва ёш футболчилар жалб қилинади.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси хабарига кўра, мазкур йиғин 2026 йилги жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш, терма жамоа таркиби учун муносиб захира футболчиларни шакллантириш ҳамда ёш ўйинчиларга имконият бериш мақсадида уюштирилади.

Қолаверса, йиғин давомида мураббийлар штаби футболчиларнинг жисмоний ва техник ҳолатини баҳолаб бориши кўзда тутилган.

ЭЛДОР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Туркия суперлигасида мавсумнинг ярми поёнига етди ва унинг раэмий терма жамоаси шакллантирилди.



Энг зўр футболчилардан иборат рўйхатдан чемпионат тўпурари, Ўзбекистон терма жамоаси сардори Элдор Шомуродов ҳам жой олди. 30 ёшли ҳужумчи Туркия суперлигасининг жорий мавсумида 12 та гол урди ва 3 та голга ассистентлик қилди.

Эслаб ўтамиз, мазкур чемпионатда Элдордан ташқари Аббосбек Файзуллаев ва Хусниддин Алиқуллов ҳам тўп суради.

Шахмат: ИШТИРОКЧИЛАРНОМИ МАЪЛУМ

Қатрнинг Доҳа шаҳрида соврин жамғармаси 1 миллион евродан зиёд бўлган шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича катталар ўртасида дунё биринчилиги бўлиб ўтмоқда.

Мазкур нуфузли турнирда турли минтақалардан 393 нафар етакчи шахматчи қатнашапти. Ўзбекистон терма жамоаси ФИДЕ жаҳон чемпионатида 14 нафар шахматчи билан голиблик ва муҳим очколар учун донна суради.

Эслаб ўтамиз, турнирда Ўзбекистон терма жамоаси куйидаги таркибда иштирок этади: Ореп бўлими — Н. Абдусатторов, Ж. Синдиров, Н. Якуббоев, Ш. Воҳидов, Ж. Воҳидов, М. Мадаминов, М. Суяров, Х. Бегмуратов, аёллар бўлими — А. Хамдамова, У. Омонова, Г. Тоҳиржонова, Н. Якуббаева, М. Халилова, Г. Каримова.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Кулайлик: Замонавий автобуслар тақдимоти

Нуфуси миллионга яқинлашаётган Наманган шаҳрида жамоат транспорти муаммолари босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Янги йил байрами арафасида "Tugon-95 MBI" масъулияти чекланган жамиятининг техник парки яна 30 та кулай ва шинам автобус билан тўлдирилди.

Хитойнинг "Zhoongtong BUS" компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий автобусларнинг шахримиз аҳолисига хизмат кўрсата бошлаганига қўл вақт бўлгани йўқ, — дейди Транспорт назорати инспекцияси автомобиль ва сув транспортида назорат Наманган вилояти ҳудудий бўлими бош инспектори Санжарбек Қаюмов.

Бундан аввал келтирилган 66 та автобус ҳар жиҳатдан қулайлиги билан йўловчиларга ёқиб тушган эди. Улар тирбандликсиз ва хавфсиз шаҳар макомига эришиш борасидаги саяб-ҳаракатлар талабига тўлиқ жавоб бериши билан ҳам аҳамиятли.

Янги автобусларнинг тақдимотида иштирокчилар шаҳарда қулай транспорт тизими яратиш, соҳа инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганини мамнуният билан қайд этди. Уз навбатида, келгуси йилда яна 140 та "Zhoongtong BUS" автобуси келтирилиши маълум қилинди.

Тадбир қатнашчилари транспорт воситасининг техник имкониятлари, йўловчилар, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган қулайликлар билан яқиндан танишди. Ушбу автобуслар яқин кунлар ичида энг муҳим йўналишларда қатновни бошлайди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Advertisement for Elektron Realtor MCHJ, featuring a logo and text about real estate services.

Advertisement for Hurmatli buyurtmachilar! (Honorable buyers!), featuring a logo and text about government services.

11 ойда Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони илк бор 10 миллион нафардан ошди.

Large advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information, subscription rates, and a QR code.